

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВА ЗАРИФАХОН ВАХОБОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФОРСЧА-ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ
ФОНЕТИК, ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Алимова Зарифахон Вахобовна

Ўзбек тилидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг фонетик, лексик-семантик хусусиятлари3

Алимова Зарифахон Вахобовна

Фонетические, лексико-семантические свойства персидско-таджикских заимствований в узбекском языке..... 25

Alimova Zarifakhon Vahobovna

Phonetic, lexical-semantic features of Persian-Tajik borrowings in Uzbek language.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВА ЗАРИФАХОН ВАХОБОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФОРСЧА-ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ
ФОНЕТИК, ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil679 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зокиров Мухторали Турдалиевич
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Бердиалиев Абдували
филология фанлари доктори, профессор
Усмонова Хуриниса Шараповна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли илмий кенгашнинг « ____ » _____ 2020 йил соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д.

И.Ҳожалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент.

А. Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги замон жаҳон тилшунослигида тилни типологик нуқтаи назардан ўрганиш, бир тилдан иккинчи бир тилга ўзлашган лисоний бирликлар моҳиятини очиб бериш, уларни структур-семантик жиҳатдан таҳлил этиш муҳим муаммолардан бири саналади. Шунга кўра изоҳли луғатларда мавжуд ўзлашма сўзларнинг талқинини ёритиш, уларнинг лисоний, ижтимоий ва маданий хусусиятлари юзасидан изланишлар олиб бориш муҳим масалалардан бирига айланди.

Жаҳон тилшунослигида муайян тил бирлигининг бошқа бир тилга ўзлашиши масаласи тил илмининг лексикология, лексикография, этнолингвистика, лингвокультурология, таржима назарияси, чоғиштира тилшунослик каби соҳалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Мазкур ҳодисанинг лексика ва семантика сатҳида атрофлича ёритилиши у ёки бу тилнинг лексик имкониятларини аниқлаш билан бир қаторда, унинг структур-семантик тузилишини, тушунчаларни ифодалаш усулларини, тилда вариантлик, полисемия ҳодисаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг тилда қўлланиш механизмини аниқлашга имкон беради.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида ўзбек тили лексикасининг тарихий жиҳатлари, ундаги ўзлашмаларнинг лингвистик хусусиятлари, жумладан, фонетик, лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари атрофлича ўрганилган бўлишига қарамай, форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларни фонетик, лексик-семантик жиҳатдан ўрганишга оид тадқиқотлар етарли даражада деб бўлмайди. Ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғати яратилиши бу борада янги тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжини юзага келтирди. Ана шу жиҳатдан бугунги кунда мамлакатимизда яшовчи турли миллат тилларининг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келган лисоний таъсирлар, айниқса, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги лисоний муносабатларни ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Зеро “Ўзбекистон тақдири – бу Тожикистон тақдири, тожик халқининг келажаги – бу ўзбек халқининг ҳам келажагидир”¹. Ҳозирги кунда “...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш”²га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзлар лисоний тадқиқи тил тараққиётининг энг муҳим омили сифатида тил сиёсатининг устувор йўналишига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон-Тожикистон: ҳамкорликнинг янги саҳифаси” номли маърузаси // “Адолат” газетаси. 2018 йил, 16 март.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси /prezident.uz/uz/lists/view/137/.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида сўз ўзлашиши хусусида дастлабки илмий қарашлар келтирилган³.

Ўзлашмаларни ўрганиш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва ҳозирги кунда ҳам бу соҳада илмий изланишлар давом этмоқда. Хусусан, жаҳон тилшунослигида И. Зарубин, Л.П.Якубинский, А.Баранников, Л.С.Пейсиков, Р.А.Будагон, Л.Блумфильд, И.К.Овчинникова, Н.З. Гаджиева, У.Вайнрайх, В.И.Абаев, М.Н.Боголюбов, В.С.Расторгуева, Э.Ф. Володарская, Б.М.Гранде, Г.Гайсина, Л.И.Жирков, Г.А.Казакбаева каби забардаст тилшунослар асарларида тил алоқалари ва ўзлашмаларга оид муаммолар ёритилган⁴.

Тожик тилшуносларидан Р.Ражабова⁵ тожик ва ўзбек тиллари лексик системаси тараққиётида лексик-грамматик бирликларнинг ўрни, лексик-

³ Қошғарий М. Девону луғоти-т-турк. 1- жилд.-Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. -388 б.; Навоий А. Танланган асарлар. Мажолисун нафоис. Муҳокамат ул-луғатайн. III том. –Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948.-Б.176-177.

⁴ Зарубин И. Список народностей туркестанского края.-Ленинград, 1925.- 24 с.; Якубинский Л.П. Несколько замечаний о словарном заимствовании // Язык и литература, т. I, вып. I, II. – Ленинград, 1926. –С.258-259; Баранников А.П. Значение поздних заимствований для понимания давних языковых фактов//Доклады Академии наук СССР, серия «Б», № 05, 1929. –С.85-88; Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка.–Москва: Наука, 1975.–205 с.; Будагон Р.А. Введение в науку о языке. –Москва: Гос. учред. изд. Мин.просв. 1958. – 435 с.; Блумфильд Л. Язык. – Москва, 1968. – 607 с.; Овчинникова И.К. К вопросу об удельном весе иноязычных заимствований в лексике совр. перс. Языка// Индийская и иранская филология (Вопросы лексики). –Москва:Наука, 1971. –С.49-60; Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики.-Москва: Наука, 1975. –304 с.; Вайнрайх У. Языковые контакты. –Киев: Издательство при Киевском гос. ун-те, 1979.-262 с.; Абаев В.И., Боголюбов М.Н., Расторгуева В.С. Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. –Москва: Наука, 1981.- 544 с.; Володарская Э.Ф. К вопросу о грамматической вариативности в связи с заимствованием //Межд. научн.конференция «Язык и культура». Тезисы докладов. -Москва, 14-17 сент. 2001.-С.36-41; Гранде Б.М. Введение и сравнительное изучение семитских языков . 2-е издание. –Москва, Восточная лит-ра РАН, 1998. -440 с.; Гайсина Г. Персидские заимствования в башкирском языке. Автореф.дисс.канд.фил.наук.-Уфа, 2008. -23 с.; Жирков Л.И. Персидский язык. Элементарная грамматика.-Москва, 2009. – 208 с.; Казакбаева Г.А. Арабизмы в узбекском языке в прикладном и теоретическом аспектах. Автореф. дисс. канд. филол. наук.- Москва, 2012. –26 с.

⁵ Ражабова Р. Сопоставительный анализ лексических единиц таджикского и узбекского языков в условиях взаимодействия. Автор. дисс.канд.филол.наук.- Душанбе, 2007.- 25 с.

семантик сатҳда тожик ва ўзбек тили лексик бирликларининг қиёси, Р.Хидиров⁶ тожик ва ўзбек тилларида янги лексик бирликлар пайдо бўлишининг экстралингвистик омиллари, XX аср охири XXI аср бошларида пайдо бўлган лексик бирликлар, Б.Жабборов⁷ тожик ва ўзбек тилларида лексик-семантик майдон тушунчаси ва унинг маъно ифодалаш, А.Фомин⁸ тожик тилидаги ўзбекча ўзлашмалар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

Ўзбек тилининг лексик қатламлари, ўзлашма сўзларнинг фонетик хусусиятлари М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, А.Абдуазизовлар, морфологик ва лексик-семантик кирралари А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, Э.Бегматов, Б.Бафоев, Н.Маҳмудов каби олимларнинг илмий асарларида ўрганилган⁹.

Шунингдек, А.К.Боровков, Ф.Абдуллаев, У.Турсунов, К.Юсупов, К.Раҳмонбердиев, А.Нурмонов, Ҳ.Ғуломов, Н.Ғуломова, Т.Раҳмонов, Н.А.Мухамедова, И.Мадраҳимов, А.Иброҳимов, А.Қуронбеков, М.Раҳмонов, А.Бердиалиев, М.Зокиров, З.Холманова, Д.Абдувалиева, С.Зокирова, У.Қўзиев, Ш. Жўраев, Б.Йўлдошев, Г.Адашуллоева, Д.Тошева, А.Хонхўжаева сингари тилшуносларнинг тадқиқотларида тил алоқалари ва ўзлашмалар ҳақида аҳамиятга молик муҳим фикрлар мавжуд¹⁰.

⁶ Хидиров Р. Лексические изменения таджикского и узбекского языков конца XX-начала XXI веков. Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Хужанд, 2009. –С.5-12;

⁷ Джаббаров Б. Номинации значений свойства в таджикском и узбекском языках. Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Хужанд, 2009. -27 с.

⁸ Фомин А.Ю. Структурная типология лексико-формологической системы таджикского языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Душанбе, 2010. С-8.

⁹ Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. -Тошкент: Фан, 2013. -269 б.; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. -Тошкент: ФАН, 2010; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент: Университет, 2006; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. - Тошкент, 1989; Шу муаллиф. “Олинма лексема” ва “ўзлашма лексема” тушунчаларни ифода этувчи терминлар ҳақида//Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Респ.илмий-назай анжуман материаллари. -Тошкент, 2013; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои. Лексико-семантические, статические и тематическая исследования: Дисс... канд. филол. наук. - Ташкент, 1989; Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш. Ўзбек тили ва адабиёти. № 3. -Тошкент, 2015. -Б.3-12; Шу муаллиф: Ўзбек тилида ўзлашма сўзлар: меъёр ва миллийлик // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2010. -№ 6. -Б. 3-8.

¹⁰ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. - Ташкент, 1940; Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке: Дис. канд. филол. наук. - Т, 1945; Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -Б.264; Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабийтили тарихи. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -Б.264; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. - Тошкент, 1974. -Б.116; Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. -Тошкент, 1989. -Б.43-94; Нурмонов А. Танланган асарлар. Шжилд. -Тошкент: Академнашр, 2012. -Б.142-148; Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. -Тошкент, 1983. -С.168; Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. -Тошкент, 1985. -С. 112; Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар. Филол.ф. номзоди дисс.автореф. -Тошкент, 1994; Мухамедова Н.А. Теоретическая грамматика персидского языка. -Ташкент, 1994. - С.3; Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. Ф.ф.н. диссертацияси. -Тошкент, 1994. -Б. 20; Иброҳимов А. Ўзлашмаларда имло масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2007. -№ 1. -Б.68-71; Қуронбеков А. Форс тили лексикологияси. -Тошкент, 2009. -В.63; Раҳмонов М. Сўзлар оламига саёҳат. -Тошкент: Фан, 2011. -Б.51; Бердиалиев А., Зокиров М. Ўзбек ва тожик лисоний алоқаси асослари. -Фарғона, 2018. -88 б.; Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Филол.ф. номзоди дисс.автореф.. -Тошкент, 2007; Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. -Тошкент: Фан, 2007. -Б.58; Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Ф.ф.ф. доктори (PhD) дисс... автореф. -Тошкент, 2017. -Б.10; Зокирова С. Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрни. Ф.ф.ф. доктори (PhD) диссертацияси. -Фарғона, 2018. -156 б.; Қўзиев У. Ўзбек тилидаги изоҳли сўзларда

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилининг системавий тадқиқи” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги форсча-тожикча ўзлашмаларни лексик-семантик ҳамда фонетик-структур асосда тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагича белгиланди:

тилшуносликдаги форсча-тожикча ўзлашмалар борасидаги талқинларни ўрганиш ва умумлаштириш;

форсча-тожикча ўзлашмаларни фонетик жиҳатдан гуруҳлаш;

ўзбек тили сўз ясалишида қўлланиладиган форсча-тожикча аффикс, префикс, аффиксоидлар ва префиксоидларни гуруҳлаб ўрганиш;

ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги форсча-тожикча ўзлашмаларни лексик-семантик жиҳатдан мавзуй гуруҳларга ажратиш;

форс-тожик тилидан ўзбек тилига сўз ўзлашиш ҳодисасининг ижтимоий ва маданий асосларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилининг икки жилдли (1981) ва беш жилдли (2006-2008) изоҳли луғатларидаги ўзлашма сўзлар олинди. Шунингдек, “Русча-ўзбекча луғат” (1984), “Фарҳанги забони тоҷикӣ” (1981), “Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ” (2008), “Персидско-русский словарь” (1983), “Ўзбек тилининг этимологик луғати” (2000) материалларидан ҳам фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предметини ўзлашма сўзлар фонетик ва семантик таркибида давр ўтиши билан юз берган ўзгаришлар ва уларнинг изоҳли луғатлардаги талқини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил, семантик-стилистик ҳамда социолингвистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек тилига ўзлашган форсча-тожикча сўзларнинг фонетик, лексик, семантик хусусиятлари аниқланган;

ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғатида акс этган форсча-тожикча ўзлашмаларнинг акустик, артикуляцион, фонетик, структур ўзгаришлари асосланган;

ўзбек тили деривацион формантлари таркибидаги форсча-тожикча аффикс, префикс, аффиксоид, префиксоидларнинг қўлланиш доираси далилланган;

ўзлашма сўзлар тадқиқи. Ф.ф.ф.доктори (PhD) дисс... автореф.-Фарғона, 2018; Жўраев Ш. Билингвизм шароитида тожик ва ўзбек тилларининг лексик сатҳдаги ўзаро алоқалари (Самарқанд вилояти материаллари асосида). Ф.ф.ф.доктори (PhD) дисс... автореф. -Самарқанд, 2018; Йўлдошев Б., Адашуллоева Г. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари. Монография. –Самарқанд, 2012. -Б.55; Адашуллоева Г. Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили. Ф.ф.ф.доктори (PhD) дисс... автореф. -Самарқанд, 2018; Тошева Д. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Ф.ф.ф.доктори (PhD) дисс...автореф. – Тошкент, 2017.- Б.15; Хонхўжаева А. Тожик тилининг тўй ва маросимларига оид этнографик лексикаси (Самарқанд лаҳжаси асосида). Ф.ф.ф.доктори (PhD) диссертацияси. -Самарқанд, 2019.-Б.24.

ўзлашмаларда лексик-семантик жиҳатдан *шахс отлари, қуш ва парранда номлари, ўсимлик номлари, коинот номлари, тақинчоқ номлари, ширинлик номлари, нон номлари, узум номлари, қовун номлари* каби мавзуй гуруҳлар мавжудлиги исботланган;

ўзбек тилидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг этимологияси ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, ўзбек тили ўзлашмалари бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, ономастика, диалектология фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам беришига асосланган;

Тадқиқот кўлами тил тарихи, тилшунослик тарихи, лексикология, социолингвистика, лексикография, семасиология бўлимлари билан узвий боғлиқлиги сабаб, диссертация хулосаларидан юқоридаги соҳаларда фойдаланилган;

Тасниф ва идеографик луғатлар яратиш борасидаги назарий фикрлар мазкур соҳалардаги изланишларда кўрсатма вазифасини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент, семантик ва социолингвистик таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, ўзлашма сўзларни тавсифлашда ўзбек тилининг икки ва беш жилдли изоҳли луғатларига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти лексикология, лексикография, семантика, семасиология соҳаларининг назарий масалалари, хусусан, ўзбек тилининг янги изоҳли луғати афзалликларини кўрсатиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материаллари ва натижаларидан олий ўқув юртларининг бакалаврият ҳамда магистратура босқичлари учун ўзбек лексикографияси, лексикологияси, семантикаси, фонетикаси юзасидан ўқув дарсликлари тузишда, янги изоҳли ва соҳавий луғатлар тузишда ҳамда ўзлашмаларни калькалашда амалий кўрсатма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили изоҳли луғатларидаги ўзлашма сўзларни тадқиқ этиш асосида:

форсча-тожикча ўзлашмаларнинг ўзбек тили луғат таркибини бойитишдаги ўрни, сўзларнинг семантик хусусиятларига оид материаллардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги давлат амалий гранти лойиҳаси доирасидаги ўқув қўлланма,

услугий кўрсатмалар ва уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 декабрдаги 89-03-4463-сонли маълумотномаси). Натижада ўқув кўлланма, услубий кўрсатмалар ва уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларида кўлланилган терминлар изоҳининг илмийлиги ҳамда мукамаллигига эришилган;

Ўзбек тилига ўзлашган форсча-тожикча сўзларнинг лексик ҳамда семантик хусусиятларига оид хулосалардан Фарғона давлат университетида бажарилган ОТ-Ф1-100 рақамли «Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви» мавзусидаги фундаментал гранти лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 декабрдаги 89-03-4463-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида чоп этилган «Шахс ва қадриятлар диалектикаси» номли монографиянинг илмий материаллар билан таъминланишига эришилган;

хулосалар асосида «Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўтган ўзлашмалар луғати» яратилган (Фарғона давлат университети кенгашининг 2019 йил 4-йиғилиши қарори). Натижада ўзбек тили йўналиши талабалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ўзбек тилидаги форсча-тожикча ўзлашмаларни ўрганишга имконият яратишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 4 та ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 14 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 172 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўзбек ва тожик тиллари ўртасидаги муносабатлар ва сўз ўзлаштириш йўллари**” деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Бобнинг “**Ўзбек ва тожик халқлари муносабатлари хусусида**” номли **биринчи** фаслида ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик муносабатлари ёритилган.

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари ўзининг тарихий, ижтимоий ва сиёсий илдизларига эга. Бу биродарлик асрлар давомида янада сайқал топди, мураккаб синовларни бошдан кечирди. Ўзбек ва тожик халқларининг тарихий тақдири қадим замонлардан бошлаб бирига шундай каттиқ чатишиб кетганки, Ўрта Осиёда рўй берган озодлик жанглари ёки халқ тартибсизликлари ҳақида сўз борганда, у ёки бу воқеанинг ўзбек ёки тожик халқига тааллуқли эканини билиш мумкин эмас, чунки у ҳар икки халққа ҳам тааллуқлидир.

Ҳақиқатан ҳам, бу икки халқнинг тарихий тақдири муштарак бўлиб, уларнинг узилмас ҳаёт ришталари бир-бирига чамбарчас боғланган. Том маънода бу халқлар яқин қўшни бўлиб, маънавияти ва маданияти бир-бири билан чатишиб кетган. Ўзбек ва тожик халқи ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай дейди: “Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки irmoғига ўхшайди. Бизнинг муқаддас динимиз, еримиз ва сувимиз бор. Қувончу ташвишларимиз, тақдиримиз муштарак. Аждодларимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак”¹¹.

Ўзбек ва тожик халқларининг тарихий алоқалари, дўстлиги ва қардошлиги хусусида А.Самадов, А.Асқаров, Б.Ахмедов, Х.Низомов, Б.Ғофуровлар атрофлича маълумот берганлар¹².

Ўзбеклардан кейин сон жиҳатдан тожиклар иккинчи ўринни ташкил этади. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 1 миллион 300 минг нафар тожикзабон халқ истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудида яшайди¹³.

Бобнинг **иккинчи** фасли “**Форс-тожик тилининг ўзбек тилига таъсири**” деб номланади. Ўзбек тилига форс-тожик тилининг таъсирини турли лисоний сатҳларда кузатиш мумкин. Хусусан, бу жараён тилнинг фонетик сатҳида маълум қадар кўпроқ ўз аксини топганлиги маълум. Жумладан, бир бўғинда қўш ундошнинг келиши ҳам ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларда кузатилади. Масалан, *дард, банд, баст,*

¹¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ва Тожикистон-стратегик шерик мамлакат. “Халқ сўзи” газетаси, 2018, 18 август, 171-сон.

¹² Самадов А. Пайвандҳои дўсти ва адаби. – Тошканд: Мухаррир, 2012; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007; Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б.200; Х.Низомов. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги маданий алоқалар (1991-2007 йиллар). т.ф.н.дисс. – Тошкент, 2010; Гафуров Б.Г. История таджикского народа. – Москва, 1952.

¹³ Самадов А. Пайвандҳои дўсти ва адаби. – Тошканд: Мухаррир, 2012. – С.8.

гўшт, мард, беҳишт, дарахт, забардаст, занжирбанд, камарбанд, ложувард ва ҳоказо.

Форс-тожик тилининг ўзбек тилига таъсирини турли сўз туркумлари доирасида ҳам кузатиш мумкин. Я.Д.Пинхасов тожик тилидан ўзбек тилига ўтган сўзларни отлар, сифатлар, равишлар, ёрдамчи сўзлар, аффикслар кўринишида гуруҳлайди : отлар: *осмон, офтоб, баҳор, баҳо, коса, обрў, барг, дарахт, нон, гул, хона, шамол, арра* каби; сифатлар: *ширин, мард, доно, меҳрибон, жонажон, камтар*; равишлар: *мардона, қаҳрамонона, доимо, астойдил (аз таҳи дил)* каби; ёрдамчи сўзлар: *ҳам, ё, ёки, агар, балки, чунки* каби; аффикслар: *-кор, -гар: пахтакор, мисгар; -каш, -дор: аравакаш, чорвадор; -бон, -паз: бозбон, ошпаз; но-: нокас; ба-: бамаъни* каби.

Араб, форс-тожик тилидан ўзлашган сонлар лексик-семантик усул билан ҳам тартиб сон маъносини англаган, баъзан ўзлашган тартиб сонлар формаси ҳам қўлланган. Санок сон турига кирувчи дона сонлар -та кўшимчасини кўшиш орқали ҳосил қилинади: *бешта, ўнта, юзта* каби. -та аслида форсча-тожикча *дона* маъносидаги сўз бўлиб, тожик тилида ҳам шу маънодаги сонлар ҳосил қилинади. Масалан, *якта-бир дона, дута-икки дона, сета – уч дона* каби.

Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўтган *ҳеч* сўзи сўроқ олмошларига кўшилиб, бўлишсизлик олмошлари ҳосил қилишда хизмат қилади: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч қайси, ҳеч қачон, ҳеч қандай*. Эски ўзбек тилида ушбу бўлишсизлик олмоши киши, нарса, ҳодисаларга нисбатан қўлланган. Бўлишсизлик олмошининг мураккаб формаси эса бошқа олмош турлари билан ёнма-ён келиши орқали ҳосил қилинган: *ҳеч ким, ҳеч кимса, ҳеч кимарса* шахсга нисбатан; *ҳеч не, ҳеч нима, ҳеч нимарса, ҳеч қайда* олмошлари нарса ва ҳодисаларга нисбатан қўлланган.

Форс-тожик тилидан ўзбек тилига равиш туркумига оид бўлган сўзлар ҳам кириб келган: *оҳиста, ҳаргиз, ногоҳ*. Равиш ҳосил қилувчи *-она* аффикси ҳам форс-тожик тилидан ўзлашган. Мазкур аффикс от ёки сифатга кўшилиб, ўхшатиш, қиёслаш маъносидаги равиш ясади: *дўстона, мардона, пинҳона, шоҳона, сўфиёна, устодона, мастона, моҳирона* каби.

Бобнинг **учинчи** фасли “**Сўз ўзлаштириш йўллари**” деб номланади.

Сўз ўзлаштиришнинг етакчи нолисоний асоси – бу бир тил жамоасининг бошқа бир тил жамоаси билан иқтисодий, сиёсий алоқаларидир. Тил, асосан, ўз ички имкониятлари асосида ривожланади. Шу билан бирга, ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар туфайли четдан сўз олиш ва ўзлаштириш дунёда барча тилларга хос хусусиятдир. Бу жараён ўзбек тили учун ҳам бегона эмас¹⁴.


Ўзбек тили лексикасининг ўзлашган қатлами ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотларнинг вужудга келиши ўзбек лексикологиясининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

¹⁴ Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили, -Хўжанд: “Раҳим Жалил” нашриёти, 2013.-Б.107

М.Умархўжаевнинг “Диний атамалар ва иборалар” луғатида форс тилидан ўтган бомдод, гуноҳ, дарвеш, дарвешона, даҳа, девона, дуруд, дўзах, жон, намоз, намозгоҳ, пешин, парвардигор, парихон (пархон), пир, фаришта, чилёсин, чаҳорёр(чорёр), шом, хуфтон ва бошқа бир қанча диний атамалар изоҳи берилган¹⁵.

Ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиёт даврларига назар ташласак, ўзлашма сўзлар ва сўз шакллари турли даврларда турлича ижтимоий сабаблар билан кириб келганлигига гувоҳ бўламиз. XI асрга оид манбаларда қўлланилган ўзлашмаларнинг кириб келишида форсча-тожикча сўзларнинг аҳамияти каттадир. Форс тили бу даврда маъмурий, ҳуқуқий, тижорий, илмий, диний тушунчаларни ифодаловчи шарқ тиллари сўзларининг ўзбек адабий тилига ўзлашишида воситачи вазифасини бажарган.

Ўзлашма сўзлар тилнинг изоҳли луғатларида ўз ифодасини топади. Изоҳли луғатлар нафақат сўз маъноси ҳақида, балки унинг келиб чиқиши, семантик тараққиёти ҳақида ҳам етарлича маълумот беради. Ўзбек тилининг янги беш жилдли изоҳли луғати ҳам ўзлашма сўзларнинг асл маъноси, уларда юз берган семантик, шаклий ўзгаришларни таҳлил қилишга ёрдам беради. Бизнинг аниқлашимизча, ЎТИЛда ўз ифодасини топган форсча-тожикча сўзлар 4311та бўлиб, уларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:



Э.Бегматовнинг таъкидлашича, ўзбек тили ўзаро алоқада бўлган ва таъсирланган форс-тожик тили, араб тили, рус тили ўзбек тили луғат таркибида сезиларли из қолдирди. Бунинг муҳим сабабларидан бири ўзбек тилининг форс-тожик, араб ва рус тиллари билан алоқаси натижасида ўзбек халқи ҳаётида иккитиллиликнинг юзага келганлигидир¹⁶.

¹⁵ Умархўжаев М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.

¹⁶ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1985.-Б.107.

Диссертациянинг иккинчи боби “Форсча-тожикча ўзлашмаларнинг фонетик структурасидаги ўзгаришлар” деб номланади. Бобнинг биринчи фасли “Ўзлашмаларда вокализм ва консонантларнинг ўзгариши” деб номланиб, унда ўзлашмаларда унли ва ундош товушлар ўзгариши ҳақида сўз боради.

Ўзбек тили фонетикасининг ривожига М.Миртожиев¹⁷, Ҳ.Неъматов¹⁸, А.Нурмонов¹⁹, Ғ.Абдурахмонов²⁰, А.Абдуазизовлар²¹ муносиб ҳисса қўшганлар. Шунингдек, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маҳмудов, Н.Улуқов, Ҳ.Жамолхонов каби тилшунос олимлар ҳам ўзбек тили фонетикасига доир фикр-мулоҳазалар юритганлар. Ҳар бир тилнинг ўз фонемалар тизими мавжуд бўлиб, бир тилдаги фонемалар бошқа тилдаги фонемалардан фарқ қилади. Демак, дунё тилларининг фонемалари ўхшаш ва фарқли томонларга эгадир. Фонемалар тил тараққиётида турли ўзгаришларга учрайди. Шу сабабли ҳам турлича тиллардаги нутқ товушлари – фонемалар бир хил эмас.

Фонетик тизим тилнинг қурилиш бирликлари орасида ўзининг ўзгарувчанлиги билан лексикадан кейин иккинчи ўринда туради. Бунинг сабаби шундаки, тилнинг ички ривожланиш қонуниятлари, ташқи муҳит, қўшни тиллар, жамият ва фан-техниканинг ривожини, тилга янги сўзларнинг ўзлашиши тилнинг фонетик қурилишига тез таъсир қилади.

Ўзбек адабий тилининг дастлабки даврларида унли товушларнинг батафсил тавсифи, унлилар тизими, уларнинг фонетик вариантларига оид муҳим маълумотларни Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида учратиш мумкин.

Форсча-тожикча лексемалар ўзбек тилига ўзлашиб, сингиб кетганини кўрсатувчи муҳим белгилардан бири бу тиллардаги сўзларнинг шаклан яқин ва ўхшашлигидир. Асл тожикча муштарак сўзларнинг кўпчилиги иккала тилда бир хилда талаффуз этилади ва ёзилади. Масалан, *фармон*, *фош*, *хазон*, *ханда*, *хода*, *хурсанд*, *хушомад*, *хўранда*, *чора*, *чунки*, *шамшод*, *шодмон*, *шодон*, *шояд*, *якка*, *гунча*, *ҳамдам*, *ҳамон* ва бошқалар. Лекин тожикча ўзлашмаларнинг бир қатори ўзбек адабий тилининг орфоэпик ва орфографик нормаларига бўйсундирилган.

Хусусан, унли товуш ўзгаришларини қуйидаги чизма кўринишида ифодалаш мумкин:


¹⁷ Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси.-Тошкент: Фан, 2013.

¹⁸ Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси.-Тошкент: Ўқитувчи,1992.

¹⁹ Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. Автреф.дисс...канд. филол. наук.-Тошкент, 1973.

²⁰ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.-Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2008.

²¹ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1992.



Ўзбек тилида форс-тожик тилидан ўтган ўзлашмалар ичида **о** товуши **а** товушига ўзгарган лексемалар кўп учрайди: *макиён* < *мокиён* (ماكيان макиён), *марварид* < *морворид* (مارواريد дур, инжу), *мопарда* < *моҳпора* (ماھپارە ойпарча, гўзал), *мояна* < *моҳона* (ماھانہ – ҳар ойдаги, ҳар ойлик иш ҳақи), *ножўя* < *ножуйо* (ناجويو қидирилмаган, исталмаган), *нонхўрак* < *нонқўрок* (نانخوراك нон ейиш вақти), *ораста* < *ороста* (متسارآ безатилган, зийнатланган), *ошкоро* < *ошкоро* (اراكشآ аниқ, очиқ-ойдин, очиқчасига), *пайтава* < *пойтоба* (پاي تابه оёқни қизитувчи, иситувчи), *пана* < *паноҳ* (پناه бошпана; хавфсиз жой; ҳимоя, ҳомийлик) лексемаларини ҳам келтириш мумкин:

Авалги “тоғ” **паноҳ**идаги одамга “янги тоғ” яқинида ўрин йўқ (Т.Малик, Одамийлик мулки, 191-бет).

Ҳ.Неъматов ўзининг “Ўзбек тили тарихий фонетикаси” китобида кўпгина арабча, форсча сўзларда **и** ўрта кенг унлиси **э** га ўтишини таъкидлайди: *бихабар* > *беҳабар*, *бизам* > *беғам*, *мива* > *мева*, *ник* > *нек*, *шир* > *шер*, *андиша* > *андеша*, *дарвиш* > *дарвеш* ва ҳоказо.

Ўзбек тилига ўзлашган форсий лексемалар ичидаги **и** ва тожикча сўзлар таркибидаги **э** товуши **у** товушига алмашиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай ўзлашмалардаги товуш алмашишлари ҳам ўзбек тилининг орфоэпик ва орфографик нормаларига бўйсундирилган ҳолда содир бўлган: *ҳақоратомуз* < *ҳақоратомиз*, *нафратомуз* < *нафратомиз*, *таҳқиромуз* < *таҳқиромиз* ва бошқалар.


Ўзбек тилининг изоҳли луғатида **у** товушининг **и** товушига алмашинишига мисоллар кўп учрайди: *ангушвона*, *ангуштпона* > *ангишвона*; *бунафша* > *бинафша*; *дору* > *дори*; *дорухона* > *дорихона* ва бошқалар.

Мисол учун **о** → **а** (о нинг а га алмашиниши): *Зўравон* (زورآور з – *ботир*, *полвон*) лексемаси форс-тожик тилидаги *зуровар* (зўрлик келтирувчи) лексемасининг ўзбек тилига ўзлашган шаклидир:

Китобхон меҳрини зўравонлик билан ҳам, ялиниб ҳам, пул бериб ҳам сотиб олиб бўлмайти (Ў.Ҳошимов, Дафтар ҳошиясидаги битиклар, 62-бет).

Одатда, бир-бирига бир хил муносабатда бўлган фонологик оппозициялар корреляцияга бирлашади. Масалан, п-б, ф-в, к-г, т-д каби оппозициялар бир турдаги оппозициялар бўлиб, фақат жарангсиз-жарангли (кучли-кучсиз) тафовут белгиси билан фарқланади.

Форс-тожик тилидан ўтган ўзлашмаларда ундош товушлар ўзгаришини ҳам кузатиш мумкин. Уларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин:



а) Б → В (б нинг в га алмашиниши): *киссабур* → *киссавур*, *нардбон* → *нарвон*, *обинабот* → *обиноввот*, *сабад* → *сават*;

б) Б → М (б нинг м га алмашиниши): *побепо* → *пойма-пой*;

в) Б → П (б нинг п га алмашиниши): *рубару* → *рўпара*;

г) Г → К (г нинг к га алмашиниши): охири г ундоши билан тугаган сўзларга аффикслар қўшилганда, г ассимиляцияга учрайди ва к каби талаффуз этилади. *Хонаги* → *хонаки*;

е) Д → Т (д нинг т га алмашиниши): М.Миртожиевнинг таъкидлашича, одатда сўнгги бўғинга лексик урғу берилиб, унинг унлиси кучли талаффуз этилади. Қуйидаги лексемалар ҳам ушбу қоида асосида, яъни лексеманинг ёзилишига кўра эмас, талаффуз этилишига кўра ўзлашганига гувоҳ бўлиш мумкин: *калид* → *калит*, *бадтар* → *баттар*, *кунжуд* → *кунжут*, *намад* → *наमत* ва ҳоказо;

ж) Д → З (д нинг з га алмашиниши): *гунбад* → *гумбад* → *гумбаз*;

з) Ж → Ч (ж нинг ч га алмашиниши): форс-тожик тилида ж товуши билан бошланган айрим лексемалар ўзбек тилига ўзлашганда ч товушига алмашган: *жангал* → *чангал*;

и) К → Г (к нинг г га алмашиниши): айрим сўзлардаги жарангли товуш жарангсиз товушни ассимиляция қилиши мумкин. Масалан, *бекзода* > *бегзода*, *беквачча* > *бегвачча*. ЎТИЛда бундай ҳодиса асосида ўзлашган қуйидаги лексемалар мавжуд: *кажак* → *гажак*, *кудак* → *гўдак*, *шудкор* → *шудгор*;

к) Р → Л (р нинг л га алмашиниши): *дорчин* → *долчин*;

л) Ф → П (ф нинг п га алмашиниши): *кафгир* → *капгир*, *шоҳсуфа* → *шоҳсуна*, *сафол* → *шоҳсуфа* ва ҳоказо.

Бобнинг **иккинчи** фасли “**Ўзлашмаларда содир бўлган фонетик жараёнлар**” деб номланади. Маълумки, форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўзлашган лексемаларнинг аксарияти ўзбек адабий тилининг орфоэпик ва орфографик нормаларига бўйсундирилган, натижада уларда қатор фонетик ўзгаришлар юз берган:

ёнма-ён келган товушларнинг ўрин алмашиши *метатеза* ҳодисаси: *сутун* → *устун*, *бурйо* → *бўйра*;

сўз ўртасида товуш орттирилиши *эпентеза* ҳодисаси: *гач* (*гаж*) → *ганч*, *гажкор* → *ганчкор*, *тухм* → *тухум*, *сим* → *сийм*. М.Миртожиевнинг таъкидлашича, эроний тилларда айрим бисиллабик отларнинг биринчи бўғини очик, лекин унлиси чўзиқ бўлиши ҳам кузатилади. Масалан, *дида*

(кўз), *дидор* (висол) отларининг биринчи бўғини **и** унлиси чўзиқ, лекин у очикдир. Шунга қарамай, шу биринчи бўғинга лексик урғу берилган. Мазкур лексемалар ўзбек тилига ўзлаштирилиш жараёнида, талаффуз қулайлиги сабабли, уларда **й** ундош товуши орттирилиб, *дийда*, *дийдор* ҳолатида қайд этилади;

сўз охирида товуш орттирилиши *эпитеза* (*аустеза*) ҳодисасидир: *гурз* → *гурзи*, *дабанг* (*даванг*) → *даванги*, *давангир*, *калак* → *калака*, *дурага* → *дурагай*;

айрим портловчи ундошларнинг икки унли орасида (интервокал позицияда) сирғалувчи ундошга ўтиши, яъни *спирантизация* ҳодисаси. Масалан, **б** ундошининг **в** ундош товушига алмашиши: *баробар* → *баравар*;

сўз ўртасида товуш тушиб қолиши, *синкопа* ҳодисаси: *порсанг* → *посанги*. Ушбу ўзлашмада **р** товуши тушиши билан бир қаторда сўз охирида бир **и** товуши орттирилган.

Нутқ товушининг сўздаги позициясига кўра тушиши уч кўринишда содир бўлади: *анкопа*, *синкопа*, *апокопа*.

Маълумки, ўзбек тилига сўз бўғинида қатор ундошлар қўлланиш хусусияти хос эмас. Шунинг учун маълум сабабларга кўра, сўз бўғинида қатор ундош юзага келиб қолса, улардан бири тушириб қолдирилади, яъни синкопага учрайди. Ўзбек тилига ўзлашган лексемалар ичида ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. *Синкопа* сўз ўртасидаги товушларнинг - инлаутларидан бири ёки бир нечаси тушишидир: *панжшоха* → *паншаха*.

Апокопа сўз охиридаги товушнинг ёки қўшма сўз компонентининг тушириб қолдирилишидир. Х.Жамолхоновнинг таъкидлашича, товуш ёки компонентларнинг тушиб қолишига олиб келадиган сабаблар қаторида позицион (урғусиз бўғиндаги редукция) ва синтагматик (ёнма-ён қўлланган товушларнинг сингиб кетиши) билан бирга фонатцион энергияни тежаш, ихчамликка эришиш каби омиллар ҳам қатнашади. Масалан, *бехост* → *бехос*, *гармак* → *гарма*, *гавазн* → *гаваз*, *саманд* → *саман*;

Ўзбек тилига ўзлашган айрим форсча-тожикча сўзлар ичида шундайлари борки, сўз асосидаги баъзи товушлар тушиб қолиб, улар ўрнига бошқа товушлар орттирилган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан:

Бачкана лексемаси тожик тилидаги *бача* сўзига *-она* равиш ҳосил қилувчи қўшимча қўшилиши натижасида ҳосил бўлган. Ўзбек тилида **г** ундош товуши **к** га, **о** унли товуши **а** га ўзгарган.

Товуш тушиб қолиши ва орттирилиши қуйидаги лексемаларга ҳам тааллуқли: *гилвата* < *гилбўта* (ўтга чидамли лой), *гугурт* < *гугерд*, *дукурма* < *дукирм* (иккита ипак қурти), *дилхирож* < *дилхарош* (юракни эзувчи, қалбни тирновчи), *ловия* < *лубиё* ва бошқалар.

Диссертациянинг учинчи боби “**Форсча-тожикча сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашиш манбалари ва уларнинг структур-семантик тадқиқи**” деб номланади. Бобнинг биринчи фасли “**Ўзбек тилидаги форсча-тожикча ўзлашмаларда деривацион формантлар**” деб номланиб, ўзбек тилида сўз

ясалиши, унда форсча-тожикча морфемаларнинг фаол иштироки ҳақида сўз боради.

Маълумки, ўзбек тилида сўз ясалишининг семантик, фонетик, синтактик-лексик, аффиксация ҳамда композиция усуллари мавжуд.

Деривация тилнинг барча соҳалари билан узвий боғлиқ бўлган лингвистик ҳодисадир. Тилшуносликда учрайдиган полусуффикс, полупрефикс, полуаффикс, суффиксоид, префиксоид каби терминлар Н.Маматов томонидан таҳлил қилинган.

А.Ҳожиёвнинг фикрича, “Баъзи луғавий бирликлар, яъни сўзлар морфема вазифасида ҳам қўлланади ва сўзга қўшиб ёзилади: *дарсхона, дорихона; талабнома, таклифнома* каби. Бундай бирликлар илмий адабиётларда “аффиксоид” деб юритилиши ҳам маълум. Лекин, бизнингча, бундай терминни қўллашга эҳтиёж йўқ. Чунки сўзга қўшиб ёзилиши ва морфемага хос вазифага эгаллиги уларни ҳам аффикс деб атайверишга асос бўлади”²².

А.Бердиалиев таъкидлаганидек, форс-тожик аффикслари ўзбек тилига дастлаб ўзлашган сўзлар таркибида кириб келган. Улар кейинчалик аналогия йўли билан ўзбекча сўз-ўзакларга ҳам қўшила бошлаган. Шу тарзда ўзбек тилининг ўз лисоний бирликлари мақомида расмийлашган²³.

Ўзбекча сўзларга бошқа тиллардан кирган сўз-негизларга ўзбек тили аффикслари қўшилиб, ўзбек тилида ҳосил қилинган ясалмалар ҳам киради. Жумладан, ўзбек тилидаги форсча-тожикча сўз+ўзбекча аффикс: *жангчи, бедорлик, жойсиз, жудолик, зарли, заҳарли, зорлик, камончи*.

Ўзбек тилига ўзлашма сўзлар таркибидан кирган баъзи олд қўшимчалар (префикслар), шунингдек суффикс ва аффиксоидлар ўзбек тилида олдин мавжуд бўлган сўзларга қўшилиб янги сўзлар ҳосил қила олади. Бунда форс-тожик элементларидан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили луғат таркибининг сўз ясалиш жараёнларида фаол иштирок этиб, янги лексемалар ҳосил қилган луғавий бирликларга *-зор (ўтзор), -дон (сувдон), -дор (унумдор, ердор), -вор (улузвор), -кор//-гар //(пахтакор, ситамгар), -соз (уйсоз), -боз ўйинбоз), -каш (чизмакаш), -хўр (ошхўр), -наз (ошпаз), бе-(бебош), но-(номард), сер-(серсув), кам-(камган), ҳам-(ҳамюрт), хуш-(хушбичим), ним-(нимжон)* каби ўнлаб суффикс, префикс, суффиксоид ва префиксоидлар киради.

ЎТИЛ хулосалари шуни кўрсатадики, форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўтган аффикс, префикс, аффиксоид ва префиксоидлар арабча, форсча-тожикча, ўзбекча ва русча-байналмилал сўзларга қўшилган. Уларнинг айримларига мисоллар келтирамиз:

²² Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари.-Тошкент: Фан, 2010. -Б.43.

²³ Бердиалиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфемика.Сўз ясалиши. Морфонология.-Хўжанд, 2015.-Б.32.

Морфема	Ўзбекча сўзлар билан бирга келиши	Форсча-тожикча сўзлар билан бирга келиш	Арабча сўзлар билан бирга келиши	Русча-байналмилал сўзлар билан бирга келиши
ба-	-	бажонидил, базўр	бақадриҳол, баҳаво	-
-бахш	-	жонбахш, жувонбахш	ижодбахш, муродбахш	-
бе-	бетўхтов, беун	бедармон, бедахмаза	беижозат, беизн	-
-боз	уйинбоз, қайроқбоз	қозғозбоз, ҳунарбоз	шикоятбоз, қиморбоз	қартабоз, группабоз
-гар	-	фусунгар, чилангар	исрофгар, кимегар	-
-гўй	очиқгўй	форсигўй, худогўй	латифагўй, лаббайгўй	-
-дўз	-	каштадўз, киссадўз	-	-
-дон	қаймоқдон, қошиқдон	тухумдон, хумдон	қадрдон, ҳисобдон	-
-каш	яловкаш, ўтинкаш	пайвандкаш, пармакаш	хабаркаш, ҳазилкаш	-
-кор	тежамкор, юмушкор	кандакор, кошинкор	эҳтиёткор, қасоскор	картошкакор, сатиранавис, романнавис
-навис	-	-	дафтарнавис, масалнавис	сатиранавис, романнавис
-намо	қўсанамо, телбанамо	дарवेशнамо, жаҳоннамо	касалнамо, мажнуннамо	-
-нома	буйортманома, ўлимнома	фармоннома, шоҳнома	тақдимнома, таъбирнома	-
-параст	бойпараст, хотинпараст.	офтобпараст, пулпараст	хатпараст, нафспараст	буддапараст
